

Лондонда муслималар форуми бўлиб ўтади



07:30 / 07.03.2019 2624

Муслималар форуми жорий йилнинг 31 март куни Лондон шаҳрида Британия мусулмонлар кенгаши ва Университет коллежи аёллар тармоғи ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Муслималарни Британия мусулмонлар кенгашининг мусулмон аёллар учун тайёрлаган дастурлари билан таништириш, аёлларга ёрдам бериш йўллари тушунишга кўмаклашиш, мусулмон аёллар олдида турган тўсиқларни муҳокама қилиб, уларни бартараф этишда Британия мусулмонлар кенгашининг вазифалари нималар иборат экани ҳақида маълумотлар бериш Форумнинг мақсади ҳисобланади.

Тадбирда аёллар ва исломий таълим масалалари, ўз-ўзини ҳимоя қилиш тамойиллари, сиёсат ва ижтимоий мавзулар муҳокама этилади.